



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ХОДИМИНИНГ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК ХУҚУҚБУЗАРЛИГИ УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Насиллоев Абдулло Аббор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
мустақил изланувчиси, [abdullonasilloev@gmail.com](mailto:abdullonasilloev@gmail.com)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7375468>

### ARTICLE INFO

Received: 19<sup>th</sup> November 2022  
Accepted: 27<sup>th</sup> November 2022  
Online: 29<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Ички ишлар органи ходими,  
қонуний талаб,  
бўйсунмаслик, ҳуқуқий асос,  
маъмурий жавобгарлик.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари, унинг юридик-фактик жиҳатлари, бу борада тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрлари таҳлили, шунингдек, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларининг мазмун-моҳияти қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида баён этилган.*

Ички ишлар органлари ходимлари шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахслар томонидан жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз вазифаларини бажаришлари уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва қадр-қимматига шунингдек, давлат бошқарув соҳасидаги ижтимоий муносабатларга қарши ҳуқуқбузарликлар содир этиш хавфини келтириб чиқаради. Б.Болотин ва Н.Годунов таъкидлаганидек, бундай ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини назарда тутувчи қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.[1]

Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий

жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 194 (ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик)-моддасида[2] белгиланган бўлсада, мазкур норманинг ҳуқуқбузарлик белгилари ифодаланувчи қисми ҳисобланган диспозициясида айнан қайси ҳолатлар ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши тўлиқ ёритилмаган бўлиб, унинг белгилари бошқа ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар асосида аниқланиши белгиланганлигини ҳам кўриш мумкин. 194-модданинг диспозициясида ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги



қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ҳолатлари санаб ўтилиши билан биргаликда, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик ҳам ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши белгилаб қўйилган. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик учун маъмурий жавобгарлик эса қуйидаги қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган мажбуриятлар ва ички ишлар органлари ходимининг талабларини бажармаслик натижасида вужудга келади:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги 80-II-сон қонуни;[3]
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни;[4]
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги ЎРҚ-550-сон қонуни;[5]
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 235-сонли қарори;[6]

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 975-сонли қарори;[7]

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори [8] ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонунига асосан фуқаро муҳофазаси ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилади. Мазкур қонуннинг 6,14-15-моддаларида[3] фуқаролар шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлиб, фуқаро муҳофазаси шароитида ички ишлар органлари ходими томонидан ушбу қонунда кўрсатилган мажбуриятлар бажарилиши юқоридаги шахслардан талаб этилганда улар томонидан бажарилмаслиги Ўз.Рес МЖТКнинг 194-моддасига асосан жавобгарликни юзага келтиради. Масалан, қонуннинг 14-моддасида фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра фуқаролар давлат органларига, шунингдек



ташкilotларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда кўмаклашишлари, фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулкни асраб-авайлашлари шартлиги белгиланган. Қонуннинг мазкур нормасидан келиб чиққан ҳолда фуқаро муҳофазасига жалб этилган ички ишлар органи ходими фуқародан юқоридаги мажбуриятларини бажаришини талаб этиши, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда фуқаро ҳуқуқбузар шахс сифатида Ўз.Рес.МЖТКнинг 194-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органи тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органилари, бошқа ташкilotлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган.[4] Шунингдек ушбу қонуннинг 17-моддасида ички ишлар органиларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин бўлган ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, ички ишлар органи ходими мазкур ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда

жисмоний шахсларга ўзининг қонуний талабларини қўйиши ва ушбу шахслар томонидан мазкур талаблар бажарилмаган тақдирда улар ҳуқуқбузар сифатида Ўз.Рес.МЖТКнинг 194-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин. Масалан “Ички ишлар органи тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасининг 4-қисмига кўра ички ишлар органи ходимлари агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.[4] Мазкур талаб бажарилмаганда Ўз.Рес. МЖТКнинг 194-моддасида айнан ушбу хатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариши кўрсатиб ўтилмаган бўлсада, фуқароларнинг жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни ёки ҳодиса жойини тарк этмаслиги модданинг диспозиция қисмида келтирилган ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги қонунда ҳам ички ишлар органиларининг қонуний талабларини бажариш билан боғлиқ ҳолатлар фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари эгаларининг мажбуриятлари сифатида келтириб



ўтилган бўлиб, қонуннинг 27-моддасида[5] қурол тўғрисидаги қонунчиликнинг талабларига риоя этилишини текшириш учун ички ишлар органлари ходимларининг фуқаровий ва хизмат қуроли сақланадиган объектлар ҳудудига ҳамда жойларга соат 6-00 дан 22-00 гача монеликсиз киришини таъминлаши, танишиб чиқиш учун уларга зарур ҳужжатларни тақдим этиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бу ҳолатда ҳам шуни кўришимиз мумкинки, фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари эгалари ички ишлар органлари ходимининг қонунга мувофиқ, белгиланган вақтда фуқаровий ва хизмат қуроли сақланадиган объектларга монеликсиз киришини таъминламаслиги ёки уларга қаршилик кўрсатиши ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги сифатида баҳоланиб, маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятини, ички ишлар органи ходимлари ва фуқаролар ўртасида вужудга келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланган Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам бир қанча қарорлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган

мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 235-сонли қарорига асосан ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазибаларини бажариш билан боғлиқ қўйидаги ҳолларда ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин:

табiiй офат ёки фавқулодда ҳолат юз берган жойга боришда;

шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббий муассасаларга олиб боришда;

жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келишда;

ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига боришда.

Шунингдек, қарорда ушбу ҳолатларда транспорт воситалари ҳайдовчилари ички ишлар органи ходимининг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланиш талабига бўйсунуши шартлиги (шунингдек қарорда айрим ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган) ва ходимдан ходимни идентификацияловчи ҳужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.[6]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби



тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 975-сонли қарорининг 19-бандида йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-патруль хизмати ходимлари билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлари келтириб ўтилган.[7] Масалан, қарорда йўл ҳаракати қатнашчилари йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиси ҳамда йўл-патруль хизмати ходими ўртасидаги ўзаро муносабатга халақит бермаслиги шартлиги белгилаб қўйилган бўлиб, йўл ҳаракати қатнашчилари мазкур талабни ходимнинг огоҳлантиришига қарамасдан, бажармаган тақдирда Ўз.Рес.МЖТКнинг 194-моддасига асосан, агарда ходимнинг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъват қилганлик ҳолатида эса мазкур кодекснинг 195-моддасига кўра жавобгарликка тортилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарорида ҳам транспорт воситасининг ҳайдовчисининг мажбуриятлари (жами 10 та) санаб ўтилган бўлиб, ушбу қарорнинг

11-бандининг кичик “з” бандида транспорт воситасининг ҳайдовчиси ИИО, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш учун, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган ёки носоз транспорт воситаларини олиб кетиш (шатакка олиш) учун (фақат юк автомобилдан) фойдаланиш учун транспорт воситасини бериши шартлиги белгиланган. [8] Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик маъмурий ҳуқуқбузарлиги Ўз.Рес.МЖТКнинг 194-моддасида келтириб ўтилган ҳолатлардан ташқари бошқа қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мажбуриятларини баармаслик ёки ички ишлар органлари ходимининг бошқа қонуний талабларига бўйсунмаслик оқибатида ҳам вужудга келади.

## References:

1. B. Bolotin & N. Godunov (1977) Responsibility for Offenses Against the Life, Health, and Dignity of Policemen and the Unarmed Volunteer Police Auxiliaries, Soviet Law and Government, 15:4, 55-60, DOI: 10.2753/RUP 1061-1940150455
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 194-моддаси. [Кириш йўли:] <https://lex.uz/acts/97664> (мурожаат қилинган вақт:04.11.2022й)



3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги 80-II-сон қонуни. [Кириш йўли:] <https://lex.uz/uz/docs/32994#36262> (мурожаат қилинган вақт:14.11.2022й)
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни. [Кириш йўли:] <https://lex.uz/uz/docs/3027843> (мурожаат қилинган вақт:14.11.2022й)
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги ЎРҚ-550-сон қонуни [Кириш йўли:] <https://lex.uz/uz/docs/4445288> (мурожаат қилинган вақт:15.11.2022й)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 235-сонли қарори [Кириш йўли:] <https://lex.uz/uz/docs/3183571> (мурожаат қилинган вақт:16.11.2022й)
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 975-сонли қарори [Кириш йўли:] <https://lex.uz/uz/docs/4089917> (мурожаат қилинган вақт:14.11.2022й)
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори [Кириш йўли:] <https://lex.uz/uz/docs/5953883> (мурожаат қилинган вақт:20.11.2022й)